O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 17 май чоршанба

Сотувда эркин нархда № 93 (2390)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*ТАШРИФ ОЛДИДАН*

## СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК — АМАЛДА

**18 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга ташриф буюради. Бу ташрифнинг бир жиҳатига эътибор қаратмоқ жоиз. В.Путин Россия Федерацияси Президенти лавозимини расман эгаллагандан сўнг ўзининг илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошламоқда. Бу Ўзбекистоннинг минтақа, қолаверса, МДҲда тутган ўрнига берилган ўзига хос баҳо бўлиши билан бирга, мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик Россия учун ўта муҳимлигидан ҳам дарakдир.**

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар тарихи юз йиллар билан ўлчанади. Бироқ ҳақиқий тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқалари айнан Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг бошланди. Албатта, дастлаб икки ўртада бошланган тенглик асосидаги ҳамкорлик алоқалари текис йўлга тушиб кетиши осон кечмади. Сабаби узоқ йиллар давомида юқори мақомда бўлган Россиянинг мустақил Ўзбекистон билан тенгма-тенг гаплашишга кўникиши қийин бўлди. Ўзбекистон эса Президент Ислом Каримов тимсолида ўз манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилишдан асло чекинмади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи икки давлат раҳбарларининг тенг мақому мавқеда туриб, бир-бирини тушунган ҳолда, сиёсат юритишга ўтганидан кейин бошланди, дейиш мумкин. Айнан шу пайтда "Ўзбекистон билан Россиянинг стратегик ҳамкорлиги" тушунчаси пайдо бўлди.

Бир йил аввалги воқеаларни эслайлик. 1999 йилнинг августида Владимир Путин Россия Федерацияси ҳукумати раиси лавозимини эгаллади. Россия жаҳон сиёсат майдонида ўз мавқеини тиклаш учун жиддий киришди. У ягона тўғри йўлни танлади, яъни аввало МДҲ доирасидаги шериклар билан яқинлашиш ҳаракатига тушди. Чунки Россия билан янги мустақил давлатлар ўртасидаги илгариги иқтисодий робиталарнинг узилиши мамлакатнинг қаддини тиклашга тўсқинлик қилиш билан бирга, ўша давлатларнинг ривожланишига ҳам йўл бермай келаётгани равшанлашиб қолган эди. Ўзаро саммитларда Президент Ислом Каримов МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларини ҳар хил назарий, баландпарвоз гап-сўзлардан қочиб, иқтисодий интеграциялашув жараёнини тезлаштиришга даъват этиб келгани маълум. Сўнгги вақтларда Россиянинг МДҲга аъзо мамлакатлар билан алоқаларда айнан шу йўлга алоҳида эътибор қаратаётгани Ўзбекистон раҳбарининг башоратларига жуда мос бўлиб чиқмоқда. Хусусан, МДҲнинг сўнгги саммитида Владимир Путин айнан Ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлишини айтди. Бошқача айтганда, воқеалар ривожи Президент Ислом Каримов айтганидай бўлиб чиқди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг нақадар узоқни кўра биладиган сиёсатчи эканлигининг яна бир исботидир.

Россиялик сиёсатшунослар В.Путин шахси ҳақида гапирганда, унинг ишбилармонлиги, серғайратлиги, қатъиятлилигини кўп таъкидлайдилар. Айни пайтда В.Путиннинг кишиларнинг кучли жиҳатларини қадрлай олиши ва улардан ўрганишдан чўчимаслиги ҳам сиёсатшунослар назаридан четда қолмади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Россиянинг янги Президенти Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов сиймосида жиддий, амалий ташаббус ва ҳаракатлар тарафдори, ўз мамлакати манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга доим тайёр турувчи шахсни кўра олди, дейиш мумкин.

В.Путиннинг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи мамлакатларимиз ўртасида тобора қарор топиб бораётган стратегик ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**





## СУВИ ЗАР, ТУПРОҒИ ОЛТИН

*Чет эллик сармоядорлар билан ўзаро ҳамкорлик нафақат қурилишда, саноатда, балки қишлоқ хўжалигида ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Пахтакор ЛТД» ўзбек-хитой қўшма корхонаси ҳам қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.*

*Айни пайтда қўшма корхонанинг 5,6 гектар иссиқхонасида помидор, бодринг каби ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Бу ерда 104 нафар ишчи йил — ўн икки ой меҳнат қилади. Улар ўзлари етиштираётган маҳсулотлар эл дастурхонини безаётганидан мамнун. Хуллас, бу миришкорлар ўз меҳнатлари билан чиндан ҳам она-юртимиз суви зар, тупроғи олтин эканлигини амалда исботламоқдалар.*

**СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Абдураҳмон Ҳотамов; ишчилар Олтиной Мирзақулова, Санам Каримова, звено бошлиғи Маҳкам Абдишукурова ва Зулайҳо Усмонова.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Кеча Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг мажлислар залида «Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг мавқеини ошириш» мавзусида республика семинар-кенгаши ўтказилди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмиталарининг ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар иши гуруҳларининг мудирлари, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг бошлиқлари, республика ва вилоятлар оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, Президент девони, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Олий Мажлис депутатлари ва парламент Котибияти ходимлари, Академиянинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва тингловчилари қатнашдилар.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова кириш сўзи билан очди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг мавқеи ва фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон парламенти раҳбари жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштириш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтиришни, жойларда нодавлат, жамоат тузилмаларининг мавқеини оширишни талаб этишини таъкидлаб ўтди. Давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини маҳаллий, ижтимоий демократик тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиш аҳолининг кенг қатламларини давлатни бошқаришга фаол жалб этишни назарда тутади. Шу муносабат билан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ишини ташкил этишнинг шакли ва услубларини такомиллаштириш, ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ишончли тизимини шакллантириш муаммоси ниҳоятда муҳим масала бўлиб турибди.

Маърузачи маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар вилоят бўлинмаларининг ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳимлигини, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида хотин-қиз депутатларнинг мавқеини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ демократик институтларни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни кучайтириш, қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш барча даражадаги Кенгашлар олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, хўжалик субъектларига катта эркинлик ва мустақиллик беришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш масалалари жойларда депутатларнинг доимий диққат-эътиборида бўлмоғи даркор. Бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, маънавий қадриятларни тиклаш, жамиятда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни сақлаш масалаларини эътибордан асло соқит қилмаслик зарур.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов семинар-кенгашда Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг назорат-таҳлил фаолияти ҳамда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг назорат ишларини фаоллаштиришга доир вазифалар мавзусида сўзга чиқди. У мазкур йўналиш маҳаллий Кенгашлар ва ҳокимликлар фаолиятидаги энг муҳим йўналишлардан бири эканлигини, бунга барча депутатлар ҳамда ижро ҳокимияти ходимлари доимий равишда эътибор беришлари зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси И.Ғафуров Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ишларини такомиллаштиришнинг муҳимлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. У турли сиёсий партияларнинг вакиллари бўлмиш депутатлар маҳаллий Кенгашларда ўз депутатлик партия гуруҳларини тузишлари ва улар фаолиятида фаол иштирок этишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ҳозирги шароитда демократик институтлар ва нодавлат ташкилотларнинг тутган ўрни тўғрисида тўхталиб ўтди. Улар фаолиятини кучайтириш ҳуқуқий фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Н. Абдуллаев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мавзусида сўзлади. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари истиқомат жойларида кишилар манфаатларининг муштараклигига, ўзаро ёрдам ва яхши қўшничилик руҳига, халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданиятига таяниб, фуқаролик жамияти шаклланиши, ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топиши учун жуда кўп ишларни қилишлари мумкин. Қолаверса, бугунги кунда Ўзбекистон қонунларида уларга кенг ҳуқуқлар бериб қўйилган.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. Полвонзода фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади. Ҳуқуқий онгни ошириш ва ҳеч истисносиз барча фуқаролар томонидан қонунчиликка риоя этилишига эришиш масалалари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳокимликлар ходимларининг доимий диққат-эътиборида бўлмоғи лозим.

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов ўз нутқини ҳокимият вакиллик органлари ишида ошкораликни кенгайтириш ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муаммосига бағишлади. Оммавий ахборот воситалари маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари ва бошқа депутатлик тузилмалари фаолиятини кенг ёритишлари, улар ишидаги ижобий тажрибаларни оммалаштириб боришлари зарур. Шу билан бирга, газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда маҳаллий ҳаёт, ҳокимият органлари муаммолари ва камчиликлари тўғрисида кескин танқидий материаллар ёритиб борилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б. Эшонов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинаётган қарорларда қонунийликка риоя этилишининг муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш масалалари бўйича сўзлади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг вазифалари ҳақида тўхталди.

Шунингдек, учрашув қатнашчилари жойлардаги ўз иш тажрибалари бўйича фикр алмашдилар. Сўзга чиққан нотиқлар – халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши доимий комиссияси раиси, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси А. Содиқов, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Х. Аллабердиев, Жиззах вилояти «Жиззах ҳақиқати» – «Джизакская правда» газеталарининг бош муҳаррири С. Сафаров, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши доимий комиссияси раиси, «Урганчгазузатиш» давлат корхонаси директори З. Ботиров, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияси раиси, «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи М. Расулова ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Й. Назаров иштирок этди.

*СЎЗ — СЕМИНАР-КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА*



**Азизбек СОДИҚОВ, Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси раиси:**

— Семинар-кенгаш ҳақидаги таассуротларимни айтишдан олдин вилоятимизда айни пайтгача амалга оширилган ишларимиз хусусида икки оғиз гапирмоқчи эдим.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида турли соҳа ва йўналишлар бўйича 7 та доимий комиссия тузилди. Уларнинг таркибига муайян соҳада катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англайдиган депутатлар киритилди.

Мен раислик қилаётган доимий комиссия январ ойидаёқ ўзининг биринчи йиғилишини ўтказган эди. Унда доимий комиссия аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланди ҳамда иш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Иш режамизда қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, фуқаролар хавфсизлиги масалалари жойларда қандай амалга оширилаётганини ўрганиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишда депутатларнинг иштирокини таъминлаш масалалари кенг ўрин олган.

Диний ниқоб остида мамлакатимиз тинчлигини бузишга интилаётган турли ғаламисларга қарши курашда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳолининг ичига кириб бориш доимий комиссиямизнинг диққат марказида бўлади.

Вилоятимизда 95 та қишлоқ, 5 та шаҳарча бор. 864 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаяпти. Шу йилнинг биринчи чораги давомида Пахтаобод туманида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қандай бажарилаётганини ўргандик, натижаларини туман ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилдик. Барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида депутатларнинг сайловчилар билан учрашадиган хоналари ташкил этилган.

Ушбу семинар-кенгаш мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришда катта ўрин тутиши, шубҳасиз.

Семинар-кенгаш туфайли депутатлик фаолиятимизда эътибор беришимиз лозим бўлган асосий масалалар бўйича етарли тушунча ва материалларга эга бўлдик. Вилоят кенгаши регламенти, вилоят Кенгаши иш тартиби, доимий комиссиялар тўғрисидаги низомнинг ишлаб чиқилганлиги биз учун айни муддао бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

**Япониянинг собиқ Бош вазири Кэйдзо Обути оғир хасталикка учраб, анча вақтдан буён шифохонада ётган эди. 15 май куни япон халқи оғир жудоликка учради — К.Обути ҳаётдан кўз юмди.**

**Бундай вазиятда марҳумнинг ҳурматини бажо келтириб, унинг яқинларидан кўнгил сўраш инсоний бурчдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Тошкентдаги элчихонасига ташриф буюриб, дипломатик миссия вакиллари орқали япон халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди.**

**Мамлакатимиз раҳбари Япония элчихонасининг ҳамдардлик китобига япон халқининг қайғусига шерик эканлиги ҳақида дастхат ёзиб қолдирди. Ушбу мамлакатнинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Киоко Накаяма билан бўлган қисқача суҳбат чоғида марҳум хотираси ёдга олиниб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.**

**ЎзА.**

## ЕР ВА ИНСОН

Тошкентда геодезия, картография, ерни кадастрлаш ва масофадан туриб ўрганиш бўйича давлатлараро кенгашнинг Х1У сессияси бошланди. Сессия Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент картография фабрикасида ўтмоқда. Унда МДҲга аъзо 12 мамлакат ҳамда Германия, Швейцария, Швеция, АҚШ каби ўнга яқин хорижий давлатлардан мутахассислар иштирок этмоқдалар.

Сессия тўрт кунга мўлжалланган бўлиб, унда ўндан ортиқ масала кўриб чиқилади. Иштирокчилар мутахассисларнинг соҳа инфраструктурасини ривожлантириш, ер ҳақида маълумотлар йиғиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш стратегияси, сайёрани сунъий йўлдошлардан туриб ўрганишда замонавий технологиянинг ўрни, бу соҳада компьютер технологиясини жорий қилиш истиқболлари каби мавзудаги маърузаларини тинглайдилар. Сессия сўнггида тегишли қарорлар қабул қилиниб, якуний ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**ЎзА.**

## "ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАЪМИР" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

"Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчиларини, кўп миллатли меҳнат жамоасининг барча аъзоларини шонли сана — Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги муносабати билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган сизларнинг заводингиз ўзининг бир асрлик тарихида шонли йўлни босиб ўтиб, қудратли салоҳиятга эга замонавий корхонага айланди.

Бозор муносабатлари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмларини изчил суръатда ошира бориб, Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида сизлар илгари мамлакатимиз ташқарисидагина амалга ошириш мумкин бўлган иш — локомотив ва вагонларни таъмирлашнинг янгича усулларини ўзлаштирдингиз. Бу билан "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа давлатлар темир йўлларининг ҳаракат таркибини янгилаш вазифалари муваффақиятли бажарилмоқда.

Жамоа эришаётган натижалар ишга ижодий муносабатнинг, жаҳон даражасидаги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва янгилашга, хорижий сармояларни жалб этишга қаратилган илҳомбахш бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин намунасидир. Бирлашма таркибида Япония халқаро ҳамкорлик банки кредити иштирокида энг замонавий электровоз таъмирлаш заводи қурилиб, фойдаланишга топширилиши корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини янада юксак босқичга кўтаради, ривожланиш ва хорижий бозорларни ўзлаштиришнинг янги истиқболларини очади.

"Ўзтемирйўлмаштаъмир" бирлашмасида корхона меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза этишни яхшилаш, уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасидаги чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, меҳнатда улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга фаровонлик ва бахт-саодат тилайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига қўшган катта ҳиссаси ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**"Меҳнат Шуҳрати" ордени билан**

**Аҳмедов Назиржон Мамирович** — қуюв цехи рангли металлар эритувчиси

**Зимин Иван Михайлович** — вагон цехи дурадгори

**"Дўстлик" ордени билан**

**Смирнова Рита Николаевна** — маҳсулот сотиш бўлими бошлиғи

**Усеинов Энвер Юнусович** — дизель цехининг дизель синовчиси

**Шубина Маргарита Николаевна** — иқтисод ва молия бўйича бош директор ўринбосари

**"Шуҳрат" медали билан**

**Заитов Мирсултон Хусанович** — таъмирлаш-йиғиш цехи чилангари

**Мансуров Талгат** — тепловоз цехи комплекс устаси

**Прохорова Элъвира Семёновна** — меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи

**Қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими"**

**Раматов Ачилбой Жуманиязович** — бош директор

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"**

**Трубкин Владимир Алексеевич** — механик-таъмирлаш цехи токари

**ва қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Сабиров Хасан Бикматович** — асбоб-механик цехи токари

**Сабитов Ринат Миниярович** — энергия қувват цехи электромонтёри

**Тулебаев Нахит Малдабекович** — қуюв цехи эритувчиси

**Ҳасанова Ҳабиба Усмановна** — тепловоз цехининг ювувчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 май.

*Транспорт ва алоқа*

## ЛИЦЕНЗИЯЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Кеча Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида транспорт ва алоқа тизимида рақобатни кучайтириш, ривожлантириш ва лицензиялашга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, жойлардаги транспорт ва алоқа тизими мутахассислари, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбойжон республикалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Фатхулла Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

Бугунги кунда республика Давлат автомобил назорати томонидан рўйхатга олинган 1 миллион 220 мингта автотранспортнинг 915 мингтаси жисмоний шахсларга, 305 мингтаси эса юридик шахсларга тегишлидир. Ачинарлиси, жисмоний шахсларга дахлдор автотранспортларнинг бор-йўғи 127 мингтаси лицензияга эга. Қолганлари ноқонуний равишда ҳаракат қилмоқдалар. Бу автотранспортларни лицензиялашни босқичма-босқич амалга оширмасдан туриб, тизимда соғлом, ҳалол рақобатни юзага келтириб бўлмайди.

Анжуманда, шунингдек, почта ва телекоммуникация тизимида асосий монополист бўлиб қолаётган операторлик пунктлари сонини ошириш, лицензиялаш ва сертификациялашни тезлаштириш хусусида ҳам сўз юритилди.

Конференция ишида Бош вазир ўринбосари В. Отаев қатнашди.

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАРБИЙ ЖАМОА КЕНГАШИ

*Мардлар қўриқлар Ватанни!*

**Бўлинмада ҳарбий жамоа кенгаши ташкил топганида, унга барча бирдай хайрихоҳ бўлгани йўқ. Ҳатто, мазкур кенгаш «Ҳарбий хизматчилар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?» дея ўзларича баҳолаганлар ҳам бўлди. Аммо қисқа муддат ичида бўлинмадагилар ҳарбий жамоа кенгаши катта кучга эгалигини англаб етишди.**

Гуруҳ командири прапоршик Қ. Раҳимовнинг роса боши қотди. Негаки, қўл остидаги уч нафар аълочи посбон қисқа муддатли таътил беришларини сўраб мурожаат қилишганди-да. Учаласи ҳам бурчига садоқатли, жанговар вазифаларини сидқидилдан бажарадиган аскарлар. Ҳатто улар қишки мавсумнинг якуний синов машғулотларида юксак натижага эришиб, жамоанинг илғорлигини таъминлашганди. Бинобарин, уларни қисқа муддатли таътил берилишига тавсия қилса бўлади-ю, бироқ бирданига уч кишига... Ахир, улардан бирига берилса, қолган икки нафарининг дили оғриб қолиши мумкин. Бу ҳақда қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор А. Қурбоновга маслаҳат солди. У буни ҳарбий жамоа кенгашида ҳал қилиш кераклигини айтди. Хуллас, гуруҳ командири бу масалани узил-кесил ҳал қилиш мақсадида мазкур кенгашнинг йиғилишини чақирди.

Йиғилишни кенгаш раиси, олий маълумотли оддий аскар А. Абдуллаев олиб борди. Унда кенгаш аъзолари – оддий аскар Ш. Кенжаев, А. Алковлар сўз олишиб, қисқа муддатли таътилга чиқиш истагидаги уч нафар сафдоши – оддий аскарлар Х. Маҳмудов, Б. Ибрагимов, С. Дребязголар ҳақида ўз фикрларини айтдилар. Маълум бўлишича, оддий аскар Маҳмудов иккинчи жаҳон уруши фахрийси бўлган бобосининг юбилейига, оддий аскар Ибрагимов опасининг тўйига, оддий аскар Дребязго эса онасининг туғилган кунига бормоқчи экан. Хуллас, аскарлар кенгашиб, оддий аскар Маҳмудовга қисқа муддатли таътил берилишини ёқладилар.

– Ҳарҳолда кексаларимизни қадрлашимиз, уларнинг ҳурматини жойига қўйишимиз керак. Оддий аскар Маҳмудовнинг бобоси 90 ёшга кирибди. Таътилга борсин, бизнинг номимиздан ҳам у табаррук инсонни табрикласин, дуосини олсин, – деди сўзга чиққанларнинг фикрини тасдиқлар экан кенгаш раиси.

Энди англагандирсиз, ўзини-ўзи бошқаришга йўналтирилган ҳарбий жамоа кенгашининг аҳамиятини. Шунингдек, мазкур кенгаш фаолиятининг жонланиб бориши, жамоада тартиб-интизомнинг мустаҳкам бўлишига, жанговар тайёргарликлар даражаси ўсишига катта таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

**Дониёр ҲИДОЯТОВ.**


## «Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланинг!»

### *Ҳурматли хорижлик ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Республика Кўчмас мулк биржаси автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бўйича 2000 йил 15 майгача Танлов савдоси эълон қилган эди.**

**Сизга шуни маълум қиламизки, мазкур Танлов савдосини ўтказиш муддати *2000 йил 25 май соат 18.00 гача узайтирилди.***

**Савдога қуйидаги харидоргир ва сердаромад автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари қўйилган:**

**1. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани «Водник» даҳасида жойлашган 124-сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси- 723,3 минг АҚШ доллари.**

**2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Отчопар» кўчасида жойлашган 121-сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси- 488,5 минг АҚШ доллари.**

**3. Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани А. Набиев кўчасида жойлашган 4-сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси- 735,22 минг АҚШ доллари.**

**4. Андижон вилояти, Асака шаҳрида жойлашган 16 сонли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси- 64,55 минг АҚШ доллари.**

**Танлов савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси — Республика Кўчмас мулк биржасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

- *танлов савдосида қатнашиш учун ариза;*
- *объектнинг таклиф қилинган баҳоси ва уни ишлатишнинг бошқа жиҳатлари кўрсатилган алоҳида конвертда муҳрланган бизнес-режа ва таклифлар;*
- *савдо ташкилотчисининг (РКМБ нинг) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкининг Тошкент вилояти бўлимидаги қуйидаги валюта ҳисоб-рақамига: № 20210840700571452004 (МФО 00832) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорининг тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси;*
- *ҳуқуқий шахслар учун унинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги нотариал тасдиқланган ҳужжат нусхаси.*

**Хоҳловчилар учун АЁҚШ билан таништириш имконияти яратилади.
Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2000 йил 26 май куни Давлат мулк қўмитаси биносида очилади.**

**Танлов савдосидан АЁҚШни сотиб олиш шартлари:**

- *АЁҚШ фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;*
- *АЁҚШнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;*
- *АЁҚШ дан фақат ўз йўналиши бўйича фойдаланиш;*
- *Мижозлар талабини қондириш учун хизмат сифати ва кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш;*
- *республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналаридан олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нархдан юқори баҳода сотмаслик;*
- *АЁҚШ сотиб олинганидан сўнг 12 ой давомида уни ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга сотмаслик;*
- *энг юқори таклиф қилинган баҳо.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси. 10-уй,
Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: (99871) 136-15-29, 136-28-75. Факс: (99871) 136-06-17.**




*Соғлом авлод йили*

# ЎЗИНГИЗДАН КЎПАЙИНГ

**Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлисида, болалар туғилишини режалаштириш эмас, балки туғилган авлодларнинг соғлом, баркамол бўлиши тўғрисида қайғуриш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар. Масаланинг бундай қўйилиши халқимизнинг табиатига, унинг ҳаётий ва маънавий қарашларига тўла мос келади. Янги оилалар дунёга келар экан, қарияларимиз: «Туп қўйиб, палак ёйинг, ўзингиздан кўпайинг» деб бежизга дуо қилмайдилар.**

Халқимиз — болажон, фарзандпарвар халқ. Оилаларимизда қанча фарзанд туғилса, ота-оналар учун ҳар бирининг ўрни, бошқача. Шу билан бирга, оила, ота-она, жамият учун ҳар бир фарзанднинг саломатлиги, дуркун ва баркамоллиги — ноёб бойликдир. Шу боис, бир мутахассис шифокор сифатида халқимизга мен ҳам шундай ният қиламан: ўзингиздан кўпайинг, фарзандлар билан бағрингиз тўлсин. Улар соғ-саломат вояга етса, бу оиланинг ҳам, ота-онанинг ҳам бахти. Бордию, улар нимжон, ё туғма хасталик, ёхуд бошқа хил дард асоратлари билан туғилса, бундай фарзанднинг ўзига ҳам, ота-оналарига ҳам осон тутиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни айни балоғат ёшига етган йигит ва қизлар ҳам чуқур англаб етсалар, фойдаси бошқача бўлади.

Ёшлар оила қуришлари олдидан нималарга эътибор беришлари зарур? Энг аввало шуки, балоғат ёшидагилар шифокорлар кўригидан ўтишлари, агар ўзларида оила қуришга монелик кўрсатадиган тиббий хасталиклар мавжудлигини аниқлаб олсалар, оилавий ҳаёт қуришларидан олдин, саломатликларидаги ана шу муаммоларни бартараф этиш устида ўйлашлари керак. Саломатликда муаммо бор экан, бунинг бирдан-бир чораси — шифокорга учрашишдир. Масалан, камқонликни даволатмасдан туриб оила қурилса, бунинг нохуш оқибатлари ёш онанинг ўзида ҳам, туғилган чақалоқда ҳам яққол сезилади. Жумладан, камқонлик, ҳомиладор аёлларда кўп ҳолларда гестоз асоратини келтириб чиқаради. Бу нима дегани? Гестозга йўлиққан ёш онада қон босими ошади, оёқ-қўлларида шиш пайдо бўлади, буйрак-жигарида ўзгаришлар юз беради. Шунингдек, камқонлик касаллиги бор она тез-тез чарчайди, иштаҳаси бўлмайди, ҳомиладорлик пайтида эса бола йўлдоши вақтидан олдин кўчиб, қон кетиш асорати кутилади. Камқонлик касаллиги бор ҳомиладор аёлларнинг қорнида сурункали димиқиш рўй беради, бунинг оқибатида бола тушиб қолиши, чала туғилиши мумкин. Шунингдек, камқонли оналарда туғруқдан кейин септик касалликлари кўпроқ учрайди, яъни унда тана ҳарорати кучаяди ва оғир аҳволга тушиб қолади... Булар — нисбатан беозор деб аталадиган камқонлик касаллигининг асоратларидир.

Мабодо, ёш онада буйрак, нафас олиш, юрак-томир касалликлари бўлса-чи? Бу жиддий касалликлар янада оғир асоратларини келтириб чиқаради. Шундай экан, қизларимиз балоғат ёшидаёқ шифокорларга учрашиб, кўрикдан ўтиши, ўзларида мавжуд хасталикларни даволатиш чора-тадбирларини кўришлари керак. Афсуски ёшлар бунга етарли эътибор қилмайдилар. Ҳатто ўзларида бор касалликни яшириб ҳам юрадилар. Ҳолбуки, масалан, тутқаноқ, юрак пороги, сил касаллиги каби хасталикларни қанча яширманг, кейин ўзини барибир ошкор этади, бу эса оилада кўнгилсизликларга сабаб бўлади. Бу хасталиклардан қиз бола турмуш қурмасдан олдин даволаниб олиши керак.

Ҳозирги пайтда қизларни эрта турмушга чиқариш, йигитларни ўсмирликдаёқ уйлантириш ҳоллари кўп учрамоқда. Шуни эсда тутингки, қизлар бизнинг шароитда 20 ёшга бориб биологик жиҳатдан тўла шаклланади. Бундан ташқари, улар ана шу ёшда ҳаётда оқу қорани ажратадиган, турмуш тажрибасига эга бўладилар, зарур касб-ҳунарни эгаллашга, ўрта махсус ёки олий таълим олишга ҳам улгурадилар. Борди-ю, биологик жиҳатдан тўла шаклланмаган қизлар турмуш қурса, шунинг оқибатида турли касалликларга чалиниб қоладилар. Бу улардан туғиладиган болаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Буни аввало, ёшларнинг ўзлари тушуниб етишлари керак. Шахсий ҳаётларига онгли қарашлари лозим. Агар шундай тушунча улар онгида чуқур шаклланса, ҳаётларини ҳам оқилона изга соладилар.

Энди ота-оналарга икки оғиз айтадиган гапимиз бор. Улар ўз фарзандларининг саломатлигига асло бефарқ бўлмасликлари лозим. Қиз болани оилавий шароитга тайёрлаш ота-онанинг масъулиятли бурчидир. Оилада ишни шундай ташкил қилиш керакки, ёшлар ҳам меҳнат қилсинлар, ҳам ўз вақтида дам олсинлар. Сир эмас, балоғат даврида айрим ёшлар енгил ҳаёт йўлига кирадилар, гуруҳ-гуруҳ бўлиб, кайф-сафо сурадилар, спиртли ичимликлар ичадилар. Балоғат ёшидагиларнинг касалликлари ана шу даврда бошланади ва ривожланади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Соғлом турмуш тарзи деганди, ҳаётдаги ана шу салбий жиҳатларнинг олдини олиш демакдир.

Аёллар 20 ёш билан 30 ёш ўртасида туғруқ оралиғини 3-4 йил қилиб фарзанд кўришса, туғилган болалар соғлом бўлади. Бу илмий тасдиқланган ҳақиқат. Сабаби туғилган чақалоқни 2-3 йил она кўкрак сути билан боқиши, аёл эса 2-3 йил давомида олдинги қаддига қайтиши керак. Чақалоқ она сути билан боқилса, ҳар хил касалликларга бардошли бўлади. Чунки она сути таркибида чақалоқ учун зарур бўлган ноёб озуқа моддалари бор. Тез-тез фарзанд кўриш эса аёллар саломатлигига путур етказади.

Ҳозирги даврда, айниқса қишлоқ жойларда аёлларимиз 30 ёшга келиб 5-6 та фарзандли бўлаяпти, бу ўз навбатида аёллар организмининг толиқишига, бир неча касалликка чалинишига олиб келмоқда. Ёши 30 дан ошган аёлларимиз фарзандлари тарбиясига эътибор бериб, ўз саломатликларига қараб юришса ҳам фарзандлари, ҳам ўзлари соғлом бўлар эдилар. Бу қонуниятларни ҳам балоғат ёшидагилар олдиндан билиб қўйишлари лозим.

Азиз ёшларимиз, болаларимиз! Ҳаёт учраштирадиган севикли жуфту ҳалолингиз билан узукка кўз қўйгандай оилавий қовушинг, ўзингиздан кўпайинг. Аммо бўлажак болаларингиз саломатлиги, аввало, сизларнинг саломатлигингизга боғлиқ эканлигини унутманг.

**Нурия ХУДИЯРОВА,
олий тоифали шифокор.**

# МЕТАЛЛУРГЛАР СИҲАТГОҲИ





*Соғлом авлод йилида «Бекобод металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш жамиятида корхона ишчи-хизматчилари саломатлигига алоҳида эътибор берилмоқда. 100 ўринли санаторий-профилакторийда яратилган шарт-шароит ҳавас қилса арзигулик. Бундан ташқари, ушбу сиҳатгоҳда корхонага қарашли болалар боғчалари тарбияланувчилари ҳам даволанмоқдалар. Меҳнат фахрийлари эса йил давомида бепул даволанадилар.*

**СУРАТЛАРДА: сиҳатгоҳ бош шифокори Муборак Ботирова (чапда) ҳамкасблари Надежда Гаргапина, Мавлуда Ботирова билан фикр алмашмоқда; ҳамшира Кароматхон Аҳмедова беморни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**




# ПИЛЛА ТАРОЗИГА ТУШДИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги пиллакорлари биринчи бўлиб пилла тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажардилар. Мавсумда 250 қути ипак қурти уруғини парвариш қилган заршунослар қабул пунктларига режадаги 13 тонна ўрнига 14 тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси топширдилар. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 68 килограммдан пилла олинди. Хўжаликда пилла териш давом этмоқда.

**Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.**


# ABN·AMRO Bank

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг
«Central European» нашри томонидан

## АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.

2000 йилда
Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси — АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

***Биз:***

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("Банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

*СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.*

ABN·AMRO · The Network Bank

***Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-йўлак.
Телефон: 120-61-41.
Факс: 120-63-67.***

2777


# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида иқтисодиёт ва савдо масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда шаҳар ва туман ҳокимликлари, савдо, солиқ, банк идоралари ходимлари, тадбиркорлар иштирок этдилар.

Анжуманда Польша тадбиркорлари билан Навоий вилояти ишбилармонлари ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусан, қўшма корхоналар тузиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи митти заводлар қуриш бўйича таклифлар ўртага ташланди. Навоийликлар поляк тадбиркорлар билан шерикликни кучайтириш тўғрисида келишиб олдилар.

**Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.**

# ҲУНАРМАНДЛАР СУЛОЛАСИ



*Карманалик Толиб ота Ҳамроев ота-бобосининг кулолчилик касбини улуғлаб, кам бўлгани йўқ. Шунинг ортидан эл назарига тушди, обрў эътибор топди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Энг муҳими, бутун фаолияти давомида миллий ҳунармандчилигимиз ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшди.*

*Эндиликда Толиб ота касбини ўғиллари — Анвар, Фарҳод, Бахтиёр, Абдурашид ва Шодмонлар давом эттиришмоқда. Улар кулолчилик сирларини пухта ўрганишиб, сулола давомчилари сифатида меҳнат қилмоқдалар.*

*Айни чоғда Толиб отанинг фарзандлари ва шогирдлари аҳолига эҳтиёжбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул. Уларнинг меҳнатидан яралаётган тандир, кўза, гултувак, тоғора, қўшқулоқ чойнак, тақсимча, пиёла сингари кулолчилик буюмлари барчага манзур бўлаяпти.*

**Суратда: кулол Толиб Ҳамроев оила аъзолари билан.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

